

Янги йил яхшиликлар олиб келсин!

# Инсон ва қонун

2021 йил 21 декабрь  
сешанба  
№ 51 (1307)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

**ОБУНА БЎЛИНГ:** "Инсон ва қонун" газетаси — адлия тизими ходимлари ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини англашга интилувчиларнинг нашри

## ОБУНА — 2022 ДАВОМ ЭТМОҚДА!

"Инсон ва қонун"га обуна бўлинг. Обуна почта ва матбуот тарқатувчи идоралари ҳамда "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази шартномалари орқали тўғридан-тўғри амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир адлия ходимининг ўзи шахсий намуна кўрсатади, деб умид қиламиз.

Обуна учун масъул бўлим: (97) 430-19-69  
(90) 176-54-42

## Янги йилда ҳам сиз билан Биргामиз!

**Шокир САИДОВ,**

Жиззах вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:

— "Инсон ва қонун"га шахсан ўзим обуна бўлдим. Ҳар бир адлия ходимининг уйига кириб бориши лозим бўлган газета бу! Янги йилда ҳам ҳамкорлик давом этади. Куч-қувват тилайман!



**Фурқат ТОЖИЕВ,**

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази директори:

— "Инсон ва қонун" бугунги кунда нафақат адлия ходимларининг, балки омманинг минбарига айланишга ҳаракат қилаётган нашр. Албатта, бу борадаги изланишларимиз самара бераёпти, энг муҳими, омма билан мулоқот йўлга қўйилди. Газетани янада руҳлантириш учун ҳар бир адлия ходимидан кўп нарса талаб қилинмайди, биз бор-йўғи ўз нашримизга обуна бўлсак ва унинг минбаридан тўғри фойдалана олсак етарли бўлади, деб ўйлайман. Ўз нашримизга Янги йилда янада юксаклик тилайман!



**Ақром ХАЛИЛОВ,**

Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори:

— "Инсон ва қонун" ўз нашримиз. Суд экспертиза соҳасидаги ўзига хос янгиликлар, умуман, бу тизим олиб борадиган ишлар ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмас, албатта. "Инсон ва қонун"да соҳамизга тегишли жуда кўплаб мақолалар чоп этиляпти. Ҳар бир ходимимиз ўз нашрига обуна бўлса, ҳуқуқий оламдаги бошқа янгиликлардан ҳам хабардор бўлиб боради.



**Азамат СУЮНОВ, журналист:**

— Мен ўзим газетанинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Тан олиш керак, "Инсон ва қонун" одамларга жуда кўп ҳуқуқий маълумотлар берадиган, деярли ҳар бир сониди қатор танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этиляётган, атрофимиздаги муаммоларга доимо эътибор қаратиб, бонг уриб келаётган нуфузли газета. Газета ундай, газета бундай бўлиши керак, деб ақл ўргатадиган айрим кимсалар шу газетани ўқиб кўрсалар ва ўзларига шу газетада чоп этиляётган мақолалардай мақола ёзишни эплай оламанми, деб савол берсалар яхши бўларди.



**Эркин ДОРИПОВ,**  
ДХА Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари:

— "Инсон ва қонун"да агентлигимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида таҳлилий мақолалар бериб борилади. Келаётган йилда ҳам ўтаётган йилимиздаги каби деярли барча ходимларимиз ўз нашримизга обуна бўлишига ишонаман. Чунки, газета саҳифаларидаги ҳар бир чиқишимиз ва меҳнатимиз ифодаси тарихга муҳрланиб қолади. Энг муҳими, бугунги ишларимиз билан оммани хабардор қилиб боради.



**Тўлқин ТУРСУНОВ,**  
"Мадад" ННТ раҳбари:

— "Мадад" агентлигининг ҳам ишончли минбари "Инсон ва қонун" газетасидан миннатдоримиз. Газета оддий одамлар билан ҳуқуқшунос тарғиботчилар ўртасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилаёпти. Келаётган йилда ҳам агентлигимизнинг ҳар бир ходими газетага обуна бўлади.



# ҚОНУНЧИЛИКДА АЁЛЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?



## ҲОМИЛАДОР АЁЛНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт.

## АЁЛЛАР МЕЪЁРИДАН ОРТИҚ ЮК КЎТАРМАСЛИГИ КЕРАК

Меҳнат шароити нуқулай ишларда, шунингдек, ер ости ишларида аёллар меҳнاتини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташвишлари ман этилади.

## ЕНГИЛРОҚ ИШ БЕРИЛАДИ

Табий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд нуқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки нуқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирдан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки нуқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

## БОЛАНИ АЁЛЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

14 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бундан аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи табий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

## ИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАР

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи табий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кунни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

## МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ УЧУН ИМТИЁЗ

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллار, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

Айрим аёлларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.



## ТУҒУРУҚ ТАЪТИЛИ НИМА?

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парва-

ришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан, мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

## БОЛА ПАРВАРИШИ УЧУН ИМТИЁЗ

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камидан ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз дақиқадан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камидан бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига қўчирилиб, иш кунни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.



## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ВА АТТЕСТАЦИЯ ТАРТИБИ

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шарти билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштириши маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ҳомиладор аёллар, болани икки ва уч ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар, улар ишга чиққандан кейинги биринчи йил давомида аттестациядан ўтказилмайди.

## НАФАҚАГА ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади.

Тегишли иш стажига эга бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсияга чиқиши мумкин.

## МОДДИЙ ЁРДАМ ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Хотин-қизлар муаммоларини "Аёллар дафтари"ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича махсус тартиб яратилган. Унга кўра, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан тўрт бараваригача бўлган миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

"Аёллар дафтари"га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун уларга БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда кредитлар ажратилади.

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Қонунчиликка мувофиқ, нотураб жойларда истиқомат қилаётган, шунингдек, ота-онасидан ёки уларнинг биридан айрилган ҳамда ёлғиз онаси, ёлғиз отаси ёки бошқа шахслар қарамоғида бўлган воёга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизлар уй-жой билан таъминланади.

Бунда уй-жойга муҳтож хотин-қизларга ипотека кредити бўйича уй-жойларнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдорда бошланғич бадал тўлаб берилади.

## АЁЛЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ

Эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қoplanади.

Қонунчиликка кўра, аёлларга айрим жазоларни қўллаш бўйича чекловлар мавжуд.

Хусусан, жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ туза-ти ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса, уларга нисбатан озоликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди. Аёлга нисбатан умрбод озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлиши мумкин эмас.


Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

“Бировга ёқадими-ёқмайдами, оммавий ахборот воситалари менга ёқади. Нимага? Улар ҳам замон билан бирга, Ўзбекистон билан бирга ўзгармоқда. Улар ҳам замонга муносиб бўлиб, адолат нуқтаи назаридан мақолалар чиқаряпти...”

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Матбуотни ўқимасликка даъват этувчи ВАЗИР ЁКИ ҲОКИМГА ИШОНИБ БЎЛМАЙДИ!



**Хуршид ДЎСТМУХАММАД,**  
ёзувчи, Ўзбекистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими

— Кимда-ким газета-журнални ўқимаса ўқимай қўя қолсин, бу унинг диди, савияси, дунёқараши, маданияти белгиси. Лекин ижтимоий тармоқ, блогер ҳали тўлақонли журналистика эмас. Улар ҳам керак, зарур. Ижтимоий тармоқ, блогер топсин, кўрсатсин, воқиф қилсин, ёзма журналистика таҳлил қилсин, тушунтирсин, йўналтирсин. Шу тарика, бир-бирини тўлдирсин. Мана, ечим қарда!

Матбуотни ўқимасликка даъват этувчи вазиr ёки ҳоқимга ишониб бўлмайди ахир, жамиятнинг маънавиятини, тақдирини!

Борни йўқ қилиш эмас, бордан бор қилишни ўйлайлик.

## БАРИБИР ЎЗЛИГИМИЗГА ҚАЙТАМИЗ



**Норқобил ЖАЛИЛ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

— Босма нашрлар — газета-журнал интернет асри бўлмиш XXI асрда керакми, деган саволга жавоб излаш, нон ейимизми ёки унинг ўрнини картошкяям босаверадим, деганга ўхшаш фикрга ўхшайди мен учун. Майли-да, ҳар кимнинг диди, савияси нимани истаса, шуни танлайверсин.

Ана энди тасаввур қилинг: мамлакат халқининг салкам олтимиш фоиздан кўпроғи қишлоқ-овулларда яшашини инобатга оладиган бўлсак, интернет деганимиз қанча ҳудудни қамраб олиши мумкин? Менинг тахминимча, нари борса, 20-25 фоизгина аҳоли, яъни, асосан шаҳарларда яшовчилар бу “ойна”га эга бўлаётгандир. Қолганлар-чи? Уларнинг ҳам айримлари кўлида замонавий телефон, планшет, смартфонлар бор, фақат фойдаланиш маданияти сустроқ десам янглишмайман. Кимдир улардан ўзга яхшилик йўлида илму маърифат истаб фойдаланаётган бўлса, яна бир катта тоифа ўз нафси амморасини қондириш, ҳар хил бўлар-бўлмас ёлгон-яшиқ шов-шувларга ружу қўйган сайтлар, телеграм каналларига кириш учун имкон излаётгир. Ана шундай пайтда китоб, газета-журналнинг ўрни сезилади, очиқ қолади бир сўз билан айтганда.

Ана бир гап: тан олиш ҳам керак-да, бугун замон ўзгариб кетди, шу жумладан, одамлар ҳам. Шундай экан, интернетга ҳаддан ташқари қарамлик табиий ҳолга айланиб бўлди. Қачонки, оилада, биринчи навбатда биз катталар савияли, дидимизга мос китоб ё босма нашрларга меҳр қўймас эканмиз, ортимиздаги авлоднинг руҳиятини, онгини ўзгартириш мушкул кечади. Қизик парадоксни эшитинг: бир ахудий зиёли айтади, бизлар бугун ўз ўйимизда ишдан чарчаб-ҳориб келган бўлсак-да, болаларимиз телефондан кўларини узмай ўтирган маҳали, ўқисак-ўқимасак-да, кўлимизга албатта яхши бир китоб ё газет-журнални олиб унга термулиб ўтираверамиз. Секин кузатамиз, фарзандларимиз бизнинг нима иш билан машғуллигимизни кўриб хижолат тортади ва ўзларига керакли китобни излаб қолишади...

Газета керакми, журнални ким ўқийди энди, деган саволларга жавобни ҳаммамиз ўз ҳаётимиз мисолида ахтарайлик. Вақт эса энг ҳолис ҳакам. Аста-секин барибир ўзлигимизга қайтамиз.

## БОСМА НАШРЛАР ЯШАШИ КЕРАК! БУГУНГИ МАТБУОТ КЕЛАЖАК УЧУН ТАРИХ!



**Наргис ҚОСИМОВА,**  
журналист

— Газеталар қачон асли ҳолига қайтади, деган саволни кўп эшитамиз. Газеталар энди аввалги ҳолига қайтмайди! Бу газеталарнинг қоғоз вариантга талаб бўлмайди, дегани эмас, асло. Газетага талаб доимо бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиши аниқ! Чунки газетанинг қоғоз вариантини қўлга ушлаб

ўқиш бошқача. Шу билан бирга, албатта, газеталарнинг мобил вариантини ҳам ташкил қилиш керак. Қоғоз вариантини эса ўқувчиларга тезкорлик билан етказишни таъминлаш керак.

Бизда эрталаб ва кечқурун чиқадиган газеталар йўқ. Бугунги кунда ахборотларнинг барчаси газетада ёритилгунча ижтимоий тармоқларда чиқиб кетаяпти. Шунинг учун тезкорлик жуда муҳим. Лондонда метрога кириш жойида газеталарни текинга қўйиб қўйишади. Метрога тушаётган одамлар газетани олиб, ўқиб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Шу тажрибани ўзимизда ҳам қўллаш керак. Ёки газеталарни арзонроқ нархда жамоат жойларида сотиш керак. Буюк Британияда тахририятлар реклама ҳисобидан яшайди. Хитойда ҳам бир қанча ҳудудий тахририятлар аллақачон йирик ҳолнинг компанияларга айланган, тадбиркор. Мамлакатнинг энг ривожланган наشري “Жэньминь жибао” (“Халқ газетаси”) давлатнинг боши нашри ҳисобланади. Хитойликлар мамлакатда олиб борилаётган ислохот-

лар, янгилишлар жараёнлари ҳақида газетадан ўқишни афзал билишади. Ижодий сафарда бўлганимизда мазкур газета бош муҳаррирининг ўринбосари газетанинг мобил версиясида қисқа хабарларнинг берилиши, батафсил маълумотларни эса газетада ўқинг, деган ундов билан газетхонларни газетани ўқишга қизиқишини орттирамиз, деган эди. Бундан ташқари, тахририятда турли кўргазмалар ҳам ташкил қилинади ва табиийки, тахририят ундан тушадиган маблағ ҳисобидан яшайди.

Бизнинг катта камчилигимиз шундаки, кўпгина туман, шаҳар газеталари ҳоқим ёрдам берсин, обуна қилиб берсин, деган эски фикр билан яшаймиз. Аслида муҳаррирлардан катта тадбиркорлик ва ташкилотчилик талаб қилинади. Жамoadан эса ижодкорлик талаб қилинади. Интернетдан топиб бўлмайдиган долзарб муаммоларни газетада ёритишга ҳаракат қилиш керак ва энг муҳими, кескин танқидлар орқали газетани сақлаб қолиш мумкин!

## “У КЕРАКМИ БУ КЕРАК” ЎЙИНИ ЭМАС, БИЗГА КЕЛАЖАК КЕРАК!



**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

— Бугун Интернет иккита йўлни кўрсатапти. Маърифат ва жаҳолат йўли. Кўпчилигимиз жаҳолат йўлига ўтиб олдик. Зиёлилик даражамиз кўриниб қолди. Уруш-жанжал, ғийбат, фиксу фасод сари юз бураялгимиз. Тайёр эмас эканмизда-а, нима дейсиз?

Кўча четида юраги хуруж қилиб йиқилган қарияга илк ёрдам қўлини чўзиш ўрнига уни телефонда тасвирга олиб, оммага тарқатишдан завқланган ўспирин ким бўлдиёкин? У бизнинг боламиз эмасми? Келажагимиз эмасми, шу бола? Бунга ўхшаш ҳодисалар жуда кўп учраяпти. Биз катталарнинг ҳам оғзимиз қақраб — йиртилиб, ундан шалоқ гаплар бижғиб тўкилиши одатий ҳолга айланди-ку...

Менинг интернетда ҳам, ижтимоий тар-

моқларда ҳам қасдим йўқ. Фақат бизнинг Интернетга тайёр эмаслигимиз ўйлантиради. Тўғри, ҳикмат излаганга ҳикмат, иллат излаганга иллат бор бунда. Дариг-о, кўпчилигимиз иллату ғўрбат излялгимиз.

Ҳозир биринчи ўринда болаларимизни асрашимиз керак. Уларнинг кўлида бугун ўз босма нашрлари ва етук бадиий китоблар бўлиши шарт. Болалар нашрларининг обунаси, кенг тарқалиши, ҳар бир ўқувчининг кўлида ўз наشري ва китоб бўлиши жаҳолат йўлини тўса олади. Бу масалага мактаб муаллими ҳам, ота-она ҳам, болалар босма нашрлари мутасаддилари ҳам ечим тополмайди. Давлат ёрдам бериши керак. Албатта бунинг йўллари кўп. Очиғи, кеч бўлди, айрим валломатлар катта босма нашрларга

қўшиб болалар нашрларини ҳам тағига ўт қўйишди; “мажбурий обуна” бизга керакмас, дея қош қўяман, деб кўз чиқариб бўлишди. Керак пайтида ўқишга ундаш мажбурийлик ҳам касб этади. Шундоғам (афсуски шундай), мутолаага рағбатимиз кам, кўпчилигимиз учун бу калтаўйлик қўл келди.

Ҳозир Интернетни Босма нашрга қарши қўйиб, “у керакми бу керак”, ўйнаш керакмас. Бизга миллатнинг келажаги керак. Шахсан мен Интернетга қарши эмасман, лекин оломончиликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Биз газета ўқимаймиз, интернет бизга етади деганларни ҳам оломончилик бўрони йиқитиб кетиши мумкин. Шундан эҳтиёт бўлинг, биродарлар...

# АДЛИЯ ТИЗИМИ: БИЗ ОДАМЛАР БИЛАН БИРГАМИЗ! УЛАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ



**ШИФОКОР ТОВОН  
ПУЛИНИ ОЛОЛМАЙ  
САРСОН БЎЛГАН**

ФУҚАРО А. А.нинг Ибн Сино номидagi Тошкент шаҳар 1-сон клиник шифохонаси томонидан бир йўла тўланадиган тўлов тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Фуқаро мазкур шифохонада врач-терапевт лавозимда ишлаган ва шифохона раҳбарининг буйруғига биноан COVID-19 билан касалланган беморларга хизмат кўрсатиш учун 2020 йил 15 июлдан навбатдаги карантин тартибига жалб қилинган. Натيجида шифокор хизмат вазифасини бажариш даврида COVID-19 инфекциясини юктириб олган ва ўзи ҳам ўша шифохонада даволанган, бироқ унга бир йўла тўланадиган 100 миллион сўм пул маблағи тўлаб берилмаган.

2021 йил 27 январдаги эпиде-

миологик суриштирув ўтказилганлиги хақидаги далолатномага кўра, ундан 2020 йил 11 июлда ишга келишдан олдин томоғидан суртма олинган ва унда манфий натижа қайд этилган, бироқ 2020 йил 19 июль куни кечқурун ахволи ёмонлашганлиги ва тана ҳарорати кўтарилганлиги сабабли бурун ва томоқдан қайта суртма топширган ва 21 июлда унда мусбат натижа қайд этилган, 2020 йил 1 август кунига қадар шифохонанинг кардиоревматология бўлимида "COVID-19, ўнг томонлама илдиз олди этилжам, ўрта оғир кечини" таъхиси билан даволанган.

Эпидемиологик суриштирувлар натижасига кўра, унга республика махсус комиссиясининг 2020 йил 30 апрелдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирлари"га жалб

қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология ходимларини рағбатлантириш тартиби тўғрисида"ги вақтинчалик Низомнинг 31-бандига асосан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юктириб олган деган хулоса берилган ва унга 100 миллион сўм бир йўла тўлов тўланиши жоиз деб топилган.

Мурожаат муаллифи бир йўла тўланадиган тўлов тўлаб берилмаганлиги масаласида тегишли ташкилотларга мурожаат қилган, бироқ тўлов амалга оширилмаганлиги маълум бўлди.

Юқорида кўрсатилган вақтинчалик Низомнинг 34-бандига кўра, коронавирус инфекциясини юктирган ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва

соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан ходимга ёки унинг оила аъзоларига тўланадиган бир йўла бериладиган тўлов ходимнинг асосий иш жойи орқали амалга оширилади.

Шаҳар адлия бошқармаси томонидан шифокор манфаатида жавобгарлар 1-сон клиник шифохонаси ва соғлиқни сақлаш идораларига нисбатан киритилган даъво аризасига асосан фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2021 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, А.А.нинг фойдасига 100 миллион сўм бир йўла тўланадиган тўловни ундириш хақида қарор қабул қилинди.

Мавлуда БОБОРАИМОВА,  
Тошкент шаҳар адлия  
бошқармаси масъул ходими

## КАШҚАДАРЁ

ЯККАБОҒ туман тиббиёт бирлашмасининг собиқ ходимлари А.А ва бошқаларнинг ишдан бўшатиш нафақаси ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация пули тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

## ИШДАН БЎШАГАН ХОДИМЛАРНИНГ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Ўрганиш натижасига кўра, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан мурожаат муаллифларининг компенсация пуллари ва ишдан бўшатиш нафақалари тўлаб берилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома натижасига кўра, собиқ ходимларга 38 миллион 106 минг 627 сўм ишдан бўшатиш нафақаси ва фойдаланилмаган таътил учун компенсация пуллари тўлаб берилди.

Венера БОБОЕВА,  
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси  
масъул ходими

## КАШҚАДАРЁ

### НОРЕАЛ ҚАРЗДОРЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ



КОСОН туман адлия бўлимига тумандаги "Янгибод" маҳалласида яшовчи фуқаро С.Маматқулова мурожаат қилиб, "Косонтунангаз" бўлими томонидан 710 минг 600 сўм табиий газ учун нореал қарздорлик чиқарилганлигидан норозилигини билдирган.

Бўлим томонидан мазкур мурожаат тегишли тартибда иш юритувга қабул қилиниб, аризада келтирилган вазият юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Амалдаги қонун доирасида ўтказилган ўрганиш натижасида фуқаронинг аризасида келтирилган вазият ўз тасдиғини топди. Ва фуқарога нисбатан ҳисобланган 710 минг 600 сўм нореал қарздорлик суммаси чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, "Сарипул" маҳалласида яшовчи фуқаро Э.Давроновга 754 минг 300 сўм, "Аралик" маҳалласида яшовчи фуқаро Я.Барноевга 350 минг сўм, "Янгибод" маҳалласида яшовчи фуқаро Ж.Шўрчаевга 737 минг 800 сўм ҳамда "Машъал" маҳалласида яшовчи фуқаро А.Исмаевга 1 млн. 511 минг 20 сўм ҳисобланган нореал қарздорликлар ҳам адлия бўлимининг аралашуви билан бартараф этилди.

Жонибек МҰМИНОВ,  
Косон туман адлия бўлими  
бошлиғи

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ Фармон ва қарорларида белгиланган топшириқларнинг бажарилиши ва амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан Шайхонтоҳур туманида туман адлия бўлими томонидан мониторинг ўтказилди.

## АДЛИЯ БЎЛИМИ МОНИТОРИНГ ЎТКАЗДИ



Хусусан, туман Халқ таълими бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Меҳнат бозорига меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 743-сонли қарорининг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядларга риоя қилиниши мониторинг қилинди.

Тумандаги 35 та мактабдан 34 тасида кадрлар бўйича инспектор вазифасини бажарувчи ходимга Вазирлар Маҳкамасининг қарорига белгиланган кўра паст разряд, яъни олий маълумотли бўлса — 7-разряднинг ўрнига 6-разряд, ўрта махсус маълумотли ходимларга эса — 6-разряднинг ўрнига 5-разряд қўлланилиб, кам ойлик иш ҳақи тўлаб келинаётганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, ушбу қарорнинг 4-иловаси 6-бандида олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар — 7-разряд ҳамда олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторлар эса — 6-разряд қилиб белгиланиши лозимлиги кўрсатилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан умумий ўрта таълим мактаблари раҳбари номига тақдимнома киритилиб, 34 нафар ходимга 17 миллион 88 минг 442 сўм иш ҳақи тўлаб берилди.

Фарҳод АКБАРОВ,  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи



**СОЛИҚ ҚАРЗИ  
БЕКОР ҚИЛИНДИ**

НАРПАЙ тумани "Саловат" маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ж.Усмонов Нарпай туман давлат солиқ инспекцияси томонидан нотўғри солиқ қарзи ҳисобланиб, унга нисбатан ғайриқонуний талабнома юборилганлигидан норози бўлиб, туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

Ўрганиш давомида, Ж.Усмонов Самарқанд шаҳар М.Улугбек кўчасида жойлашган 116-уйдаги 60-квартирани 2019 йил 17 июлда Л.Амаловадан нотариал тартибда 212 миллион сўмга сотиб олганлиги ҳамда ушбу кўчмас мулкни 2020 йил 5 июнда М.Ашуровага нотариал тартибда 120 миллион сўмга (харид қилинган нархидан 92 миллион сўм паст нархга) сотганлиги аниқланди.

Солиқ кодексининг 375-моддаси 4-бандига биноан солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олдин

даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматида ошган қисми мулкий даромадлар таркибига кириши белгилаб қўйилган.

Бироқ, Ж.Усмонов мазкур кўчмас мулкни сотиш орқали мулкий даромад кўрмаган бўлишига қарамастан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан унга 21 миллион 430 минг 426 сўм асосий қарз ҳамда белгиланган муддатларда солиқлар тўлиқ тўланмаганлиги учун 1 миллион 835 минг 730 сўм миқдорда пеня ҳисобланган.

Туман адлия бўлими томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ж.Усмоновга нисбатан ҳисобланган 23 миллион 266 минг 156 сўм асосий қарздорлик ҳисобдан чиқарилди.

Жасур ҚИЛИЧЕВ,  
Нарпай туман адлия бўлими  
бошлиғи

**ЯНГИ МОДЕЛ:  
ТАРИХДАН ДАРС  
БЕРАЁТГАН  
ФИЗИКЛАР...**

Хиёнатнинг макони, замони, миллати бўлмади. Тарихда мисоллар жуда кўп бунга. Гарчи, шаърифатпарвар, эрklarпарвар шайларимиз, ўзбекининг асл фарзандлари Чор Россиясининг тазйиқи билан дорга осилган, отилган, аввал отилиб, кейин ҳукм чиқарилган, деб ўзимизни ҳар қанча оқламайлик, уша оловли йилларда, қонли дамларда ўз юртини, ўз миллатдошини ўзимизникилар ҳам сотганлигини инкор эта олмайдимиз.

Бугун-чи? Бугун миллатимизни ким жарга бошляпти? Ким илм ва маърифат оёғига болта урмоқда? Кимларнингдир бойлик орттириш ёки бошқа бир қутку билан узоқни уйламай, кўр-кўрона қилаётган ҳаракатларини кўриб-кўрмасликка олиш, таълимдаги ўлқонлар ҳақида гапирмаслик ҳам аслида хиёнат.

Бугун бу иллат бошқача ўринишида миллатимизга таҳдид солмоқда. Алифбонинг икки жаҳон овораси эканлигини, ўртадаги бир тўда саводсиз қатлам, ҳавога соврилайётган миллиардларни асло иддао қилмоқчи эмасмиз. Бу икки-юзламачи мутасаддиларнинг виждонига ҳавола. Айтмоқчи бўлганимиз илмсизлик, билимсизлик, саводсизликни миллатимизга раво кўраётганлар ҳақида. Саводсизлик миллатимиз кўнига синдирилмоқда, наҳотки буни сезмаяпмиз?!

Яқинда тайинланган Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов учта вилоятга таширфидан сўнг, мактаблардаги аҳволни қўқарқали эмас, деб атади.

**“АФСУСКИ, ХАТТО ЎЗ ФАНИ БЎЙИЧА ОДДИЙ САВОЛГА ҲАМ ЖАВОБНИ БИЛМАЙДИГАН ЎҚИТУВЧИЛАР БОР ЭКАН”**

— деди у... Бу инсон тақдир, келажак тақдирдан ҳавотирлинишни кучайтирадиган ҳулоса.

**БИР ҚАДАМ  
ОЛДИНГА, ИККИ  
ҚАДАМ ОРҚАГА...  
МИ?**

Бундан бир неча йил аввал Ўзбекистонда таълим тизимида янгилик қилаяпмиз, ислохотлар янги босқичга чиқди, деб тантаналар қилдик — касб-хунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабларда 9 йиллик таълим тизими жорий қилинди. Шаҳарларни-ку айтмайлик, ҳатто бир ҳудуднинг ўзида иккиталаб касб-хунар коллежлари қурилди. Қишда совуқ, ёзда иссиқ ҳайҳотдек бинолар қад ростлаб, уларга миллиардлаб маблағлар “сарфланди”. Мен тугилиб ўсган ҳудудда айнан шундай бўлди. Аммо минг афсуски, на қишлоқ боласи, на шаҳар боласи бирор касб-корлик, бирор тайинли хунарлик бўлмади. Қайтанга жуда кўп нарсаларни, кадрятларимизни — қизларимиздаги шарму ҳаёни, ўғил болаларимиздаги ориятни, қатъиятни йўқотдик. Айрим “она сути оғиздан кетмаган” қизлар ота-онасидан олисда ҳаддан ортиқ “мустақил” бўлди, гўё... Тез тузилиб, тез бузилган оилалар оқибатида “Меҳрибонлик уйлари”да ташландиқ болалар сони



**КЕЛАЖАГИМИЗ  
ТАҚДИРИ НИМА  
БЎЛАДИ?**

кўпайди. Булар шунчаки, талқин ёки таъкид эмас, бу миллатимиз фожияси, бу миллатимиз учун доғ ади... Бу йўл хато эканлигини бошиданоқ билганлар, “ниятларига” етиб, сўнгра бу йўлдан қайтишди. Касб-хунар коллежлари ёпилиб, яна орқага, ўн бир йиллик таълимга қайтдик. Йўқотилган йиллар ва маблағлар-ку майли, йўқотилган йўлларни қайта топиб бўлармикан?

**ИККИ КАРРА  
ИККИНИНГ  
ЖАВОБИ  
НЕЧЧИ?**

Икки карра иккиннинг жавоби дунё яралгандан буён бир хил. Ва бу ҳақида бошқача гап бўлиши мумкин ҳам эмас! Бугунги талвасалар, чиранишлар эса гўёки,  $2 \times 2 = 5$  деган мантиқсиз жавобга ўхшайди. Ақл бовар қилмайдиган ақлсизлик...

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида оддий қишлоқ мактабида ўқиганмиш. Пол қилинмаган, кўмир билан иситиладиган синф хоналарида таълим олганмиз. Ўқитувчиларимиз бугунги опиму профессорлардан ортиқ бўлса, ортиқ эди-ю, асло кам эмасди. Устозни қанча самимий ҳурмат қилсанг, унинг илмини ҳам шунча тез эгаллайсан, дейишади. Ҳақ гап. Алишер Навоийнинг “Хамса”си “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Шириннинг Фарҳодга йўллаган мактубидан тортиб, Пушкиндан ёд

олган шеърларимизгача салкам ярим аср ўтаяпти ҳамки, ҳамон ёдимизда, ҳамон унутилмаган. Оламнинг, акамнинг китобини мен, менинг китобларимни укам ва сингилларим ўқиб, олий таълим даргоҳларига кирганмиз. Ўқитувчиларимиз шу қадар хоқисор ва беназир эдики, улар ҳеч қачон қўлимизга қарамаган, биздан ёки ота-онамиздан ҳеч қачон ҳеч нарса таъма қилмаган. Уларнинг ҳатто туғилган кунларини ҳам билмасдик.

КЕЙИН ЗАМОН БИРДАН ЎЗГАРДИ. ЎЗГАРГАНДА ҲАМ ШИДДАТ БИЛАН ЖУДА ТЕЗ ЎЗГАРДИ. КЕЙИНЧАЛИК КИТОБЛАРИНИНГ МУАЛЛИФИГА ҚАРАБ ТАВСИЯ ҚИЛАДИГАН БЎЛИШДИ. ХУДДИ КИТОБНИНГ МУАЛЛИФИ ЎЗГАРСА... БИЛИМИМИЗ ҚОВАБ КЕТАДИГАНДЕК. БИР ЙИЛ ЎҚИЛГАН КИТОБ, КЕЙИНГИ ЙИЛГА “ЯРОҚСИЗ” БЎЛИБ ҚОЛДИ, АНИҚРОҒИ, ВАЗИРЛИКНИНГ ТОПШИРИГИ “ШУНДАЙ” БЎЛДИ. ДАРСЛИК “БОЗОРИ” ҚИЗИДИ.

Юқоридан тавсия қилишнинг “сири”ни яхши билсангиз керак?! Китоблар ялтироқ, ҳар йили янги ва янги. Аммо аксарият ўқувчининг мияси бўм-буш...

**ОҚ НИЛУФАРЛАР  
ЮРТИДА ҚИШЛОҚ  
МАКТАБИ ЎГАЙ  
ЭМАС...**

Навоийлик фикри, тафаккури уйғоқ замондошимиз Жоннибек Шўхратовнинг Григорий Петровнинг “ОҚ НИЛУФАРЛАР ЮРТИДА” китоби ҳақидаги ва таълимимиз, тарбиямизга доир мана бу қайдларини ўқиб, ростини айтсам, дардим янгиланди. Сиз ҳам унинг фикрларига қўшилишингизга ишончим комил.

— Бу китоб олдин “ботқоқлик мамлақати”, — дея ном олган, бугун бахт ва фаровонлик тимсоли бўлган ФИНЛЯНДИЯ мўъжизаси ҳақида, — дейди Ж.Шўхратов. — Бу китоб бир миллатнинг уйғониши, швед босқинига қарши қуролсиз озод бўлиш ва наҳотки ТАЪЛИМ, ТАЪЛИМ ва яна ТАЪЛИМдан излаб галаба қозонган авлод ҳақида. Финляндияда 3000 дан ортиқ мактаб бор, хусусий ва имтиёзли мактаблар деярли йўқ. Ҳар бир мактаб хусусий мактабдек жиҳозланган. Қишлоқ мактаби ўғай эмас.

Фин мактабларида спорт заллари бор, аммо мусобақа учун жамоалар деярли йўқ. Рақобат ва бир-биридан ўзиш фин таълими маданиятига хос эмас. Чунки улар миллат эртасини муштумзўр ёки мускулизўрлар эмас, илмли ёшлар ҳал қилишини аллақачон англаб етган.

Финляндияда спортчиға уй, машина ва миллирдларни совға қилиб, Халқаро математика олимпиадаси ғолибини Фаҳрий ёрлик билан алдаб кўймайди! Ҳасадгўй эмасман, аммо “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар!” деган мақолани ўлим ёқасидан қутқармоқчиман!

Фин ўқувчиларига бошланғич 6 йил таълимда баҳо қўйилмайди. Бола руҳияти баҳо билан зиллмайди, шижоати сўндирилмайди. Бола кундалик дафтар билан эмас, ўзига ишонч билан тарбияланади. Фин ўқувчиларига уй вазифаси берилмайди. Финлар учун уй — мулоқот ва дийдор мактаби. Шунинг учун фин оналари меҳнат дарси учун рангли қозғондан кўнча расмини кесиб ўтирмайди, онабин шашка мусобақасида ота ўғли номидан қатнашиб, ғолиб бўлмайди. Бизда Халқ таълими вазирилик бемаъни талаби бўлган олийгоҳларга кириш рейтинг оқибатида аксарият

мактаблар бола руҳияти ва тарбиясига тупуриб, фақат репетитор ва ўқувчи ўртасида даллолликдан бошқасига ярамаётганини ангалр...микан? Ўқувчининг талаба бўлишига ҳувиллаб қолган 9, 10, 11-синф хоналари эмас, ертўладаги зах босган репетитор хоналари гувоҳ бўлаётганини билар...микан?

Яна бир оғриқли ҳол — мактабларда ҳамон “ДО” (ДУ ўқилади) предлогини “ДО” деб юрган тилчилар қанча, ўқувчиға эмас, психологининг ўзига психолог керак мактаблар ҳам оз эмас, тарихдан дарс бераётган физиклар ҳам анчагина...

**УСТИМИЗ  
ЯЛТИРОҚ, ИЧИМИЗ  
ҚАЛТИРОҚ...**

Эҳ-ҳе, бундай антиқа мисоллар жуда кўп! Ҳарфлаб битта-битталаб айтиб турсанг ҳам, ўз исмини тўри ёза олмайдиган, ҳаётда қийналиб юрган йигитлар борлиги аламли. Ва шу билан бирга айрим “гапга чечан, усти ялтироқ, ичи қалтироқ авлод ҳам кўз ўнгимизда улғаяётганлиги ачинарли албатта. Бугунги ёшлар ҳақидаги бу ҳулосамиз кимларгадир ёқмаслиги аниқ! Ахир дунёни эгаллашга “қодир” бир ҳовуч билимдонларимиз ҳам борлигини унутганимиз йўқ! Агар бу билимдонларни яқин ўтмишимиздаги ўзбек зиёлиларигана эмас, ҳатто механизатор, сувчи, агроном каби оддий қишлоқ одамларининг ҳам “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Совет Ўзбекистони”, “Правда”, “Известия” каби газета ва журналларни, Алишер Навоий, Чингиз Айтматов, Ф.Достоевский, Р.Тогоор, А.Чехов, И.Тургенев, Жек Лондон асарларини ўқиганлиги билан таққослаганимизда осмон билан ерча фарқи борлиги лоф эмас. Бугун минбарларга тўтиқушдек ўргатилган ёшларни чиқариб кўйганларнинг мудоаосини ма? Умумий саҳна ортида эса, идрок ва тафаккур қотиб қолгандек. Таълимдаги ислохотлар эса ҳамон давом этмоқда. “Она тили” ва “Ўқиш” фанларини бирлаштириб, битта “Она тили ва ўқиш саводхонлиги” деган фан яратиш билан оворамиз...

Нега мактабларимизнинг рус тилида ўқитиладиган синфда ўқийтган ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгу, ўз фикрини бемалол ифода эта олади-ю, ўзбек синфида ўқийтганларнинг кўпчилиги нимагадир оддий саволга ҳам жавоб бера олмади, довдираб қолади, деган саволимиз кўпчиликка ёқмайди. Нега фарзандимизни ёки неварамизни рус тилида таълим берадиган мактабга ёки синфга берсак, тил ўргансин десак, миллатчи, миллат душманига айланамиз-ю, миллатимиз фарзандларини чаласавод қилаётган, ўз тилимизни ҳам ўргата олмаётган айрим “устоз”ларни миллат душмани дейишга қўрқамиз? Нега ўқувчиға отасининг мансабига қараб, муомала қилишдан воз кеча олмаямиз, десангиз айрим устозларнинг энсаси қотади. Олий маълумотли мутахассислар нега мардикор бозоридан иш қидириш билан овора, деган саволимизга жавоб берадиган одамнинг ўзи йўқ! Физиклар эса, тарихдан дарс беришда давом этмоқда...

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

**Хурматли таҳририят!**  
Мана, салкам 4 йилдики,  
мени бир низоли масала қийна-  
япти. Аммо ҳануз ҳал бўлма-  
япти.

Гап шундаки, рафиқам Ҳабиба Қуллиеванинг буйиси Чинни Муллажонова марҳум турмуш ўртоғи Қулли Комилонинг Самарқанд шаҳар Чорраҳа кўчасида жойлашган, 121-ҳовли-жой (ҳозирги 127-уй)ини ўзи — Ч.Муллажонова, келини Мамлакат Асадуллаева ҳамда набиралари Ҳабиба Қуллиева ва Манзура Қуллиевалар ўртасида мерос сифатида тасдиқлаш юзасидан Самарқанд шаҳар Сиеб район судига мурожаат қилган. Суднинг 1945 йил 9 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво қаноатлантирилган. Орадан бир ой ўтиб — 1945 йил 7 апрелда эса қайнона-келин Ч.Муллажонова ва М.Асадуллаевалар ҳовлининг ўзларига тегишли ярми (50/100 қисми)ни фуқаро Х.Якубовга сотишган.

Кейинчалик — 1965 йилда мен Ҳабибахон билан оила қурганман. Сўнгра аввал ўзимизнинг уйимизда, 1974 йилгача эса юқорида тилга олинган манзилда яшаганмиз. Уша пайтда ҳовлининг хотинимга тегишли қисмига айрим бино ва иморатларни қурганмиз.

Шундан сўнг Самарқанд шаҳар Тараққиёт кўчаси 9-уй 8-хонадонда яшаганмиз. Аммо 2016 йилда турмуш ўртоғим вафот этгандан кейин қайсинглик Манзура Қуллиева билан ўртамазда ҳовли-жой бўйича низо келиб чиқди. Яъни, мен Ҳабибахоннинг ҳовли-жойдаги улуши бўйича меросни қабул қилиб олишдан аввал унинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳаракатига тушдим. Бироқ Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси 2017 йил 13 июндаги жавоб хати орқали менга уй-жой эгаллиги бўйича низо борлиги тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштиришнинг имкони бўлмаганлигини маълум қилди. Шу боис мен Манзура Қуллиевага нисбатан ҳовлининг хотинимга тегишли қисмида кадастр ўлчови ишларини амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик ҳамда Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига кадастр ҳужжатларини опа-сингилнинг номига тайёрлаш мажбуриятини юклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига мурожаат қилдим.

Буни қарангки, суд мажлисида М.Қуллиева бобосидан мерос бўлиб қолган иморатлар 1910 йилда қурилганлиги, лекин қор-ёмғир ва юз берган ёнғин тўғрисида улар яроқсиз ҳолга келганлиги, шу боис бино ҳамда иморатларни 1970 йилда тўлиқ бузиб, қайта қурганлиги, айна пайтда эски иморатлар умуман қолмаганлигини маълум қилди. Қолаверса, Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси вакили Фаррух Юнусов ҳам низоли ҳовлидаги бино ва иморатлар 1910 йилда қурилганлиги, кейинчалик улар тўлиқ бузилиб, қайта қурилганлигини билдирди. Ваҳоланки, биз у ҳовлида



## Ким ҳақ?

1974 йилгача яшаганмизда тўлиқ бузилиш юз бермаган. Ҳозир ҳам эски иморатлардан бир уй ва бир дахлиз қолганлиги менга яхши маълум. Шунга қарамай, мен ҳовли-жойдаги уй ва иморатларнинг барпо этилган йили ҳамда бошқа мавҳум ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида суд-қурилиш экспертизаси ўтказишни суддан сўрадим. Аммо суд бу сўровимни инобатга олмай, мен тақдим этган далилларга тўлиқ баҳо бермай, 2018 йил 27 февраль кунини Манзура Қуллиеванинг фойдасига қарор чиқарди. Яъни Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси зиммасига М.Қуллиеванинг номига кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги зиммасига эса низоли уй-жойга нисбатан унинг эгаллик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юкледи.

**АЛБАТТА, МЕН БУНДАН НОРОЗИ БЎЛИБ, ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИГА АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИНИ БЕРДИМ. БИРОҚ ВИЛОЯТ СУДИ ЎЗИНИНГ 2018 ЙИЛ 10 АПРЕЛДАГИ АЖРИМИ БИЛАН ШИКОЯТИМНИ ҚАНОАТЛАНТИРМАЙ, БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИНИ ЎЗГАРИШСIZ ҚОЛДИРДИ. БИНОБАРИН, ИШНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШНИ СЎРАБ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИМ. ЛЕКИН ОЛИЙ СУД СУДЬЯСИ Б.ТАНГАБОВ ИШНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШ УЧУН АСОСЛАР МАВЖУД ЭМАС, ДЕБ ТОПДИ.**

Шундан кейин мен Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Олий Судга қайтадан мурожаат қилдим. Аммо Олий Суд судьялари Ф.Турсунов, Г.Парлиева ва Г.Мирзаевалар мазкур фуқаролик иши иккита инстанцияда қўрилиб, Олий суд томонидан суд ҳужжатларини бекор қилиш учун асослар топилмагани, бу ҳақда менга жавоб берилганини маълум қилиш билан чекланишди.

Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Фуқаролик иши биринчи босқич ва апелляция инстанциясида қўрилгандан сўнг — 2018 йил 14 май кунги 209-сонли жавоб хатида ҳовлидаги "В", "В1", "Е", "Е1" литерли иморатлар 1945 йилгача, "Ж" ва "Ж1" литерли иморатлар эса 1963 йилгача қурилганлигини маълум қилди. Кўриниб турибдики, 2018 йил май ойи ҳолатида ҳам эски бино ва иморатлар мавжуд бўлган. Мазкур жавоб хатини Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи Р.Хатамов имзолаган. Энди савол туғилди: хўш, бино-иморатларнинг мавжудлиги сабабли бино-иншоотларнинг қурилган йилига аниқлик киритиш мақсадида суд-қурилиш экспертизаси орқали ойдинлик киритиш мумкинлиги маълум қилинган. Агар биринчи босқич суди суд-қурилиш экспертизасини тайинлаганда эди, балки бугунги можароларга ўрин қолмасмиди.

Яна бир гап. Менинг кўлимда рафиқам Ҳабиба Қуллиеванинг 65 йиллик дугонаси Малоҳат Ҳимматованинг гувоҳлик хати мавжуд. Унда ёзилишича, Ҳабибахоннинг ўлим тўшағида ётган пайтда, яъни 2016 йил сентябрь ойида Малоҳатхонани опасининг олдига юбориб, ҳовли-жойдаги ўзининг улуши ҳисобидан моддий жиҳатдан рози қилишни сўраган. Аввалига Манзура Қуллиева бу таклифни қабул қилган. Аммо орадан бир-икки соат ўтиб, фикридан қайтган. Қолаверса, М.Ҳимматова ҳовли-жойнинг аёлимига тегишли қисмида ҳанузгача эски иморатлар мавжудлигини ҳам тасдиқлайди.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда менга муаммонинг ечимини юзасидан амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Олим ФАЙЗИЕВ,**  
Самарқанд шаҳар "Тараққиёт"  
кўчаси, 9-уй, 8-хонадон

Мен Самарқанд шаҳар Чорраҳа кўчаси 127-уйда яшовчи фуқаро Манзура Қуллиеванинг адвокати сифатида унинг поччаси — даъвогар Олим Файзиев билан ўртасидаги уй-жой низоли юзасидан барча ҳолатлардан хабардорман.

## ҚОНУН МИЖОЗИМ ТОМОНДА



Дастлаб — 2017 йилда О.Файзиев судга жавобгар Қуллиева Манзурага нисбатан "меросхўр деб топиш ва уй-жойни бўлиш ҳақида"ги даъво ариза билан мурожаат қилган. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 18 октябрь кунги ажримига биноан, низоли Самарқанд шаҳар, Чорраҳа кўчасидаги 121/129-уй-жойнинг 50/100 қисмидаги иморатлар тўлиқ бузилиб кетиб, ўрнида янги уйлар қурилганлиги ҳамда бу иморатларга нисбатан ҳеч кимнинг номига эгаллик ҳуқуқи белгиланмаганлиги сабабли Олим Файзиевнинг даъво аризаси юзасидан юритилган фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган. Қолаверса, меросхўр деб топиш учун давлат нотариал идорасига, янги қурилган иморатни давлат рўйхатига олиш учун ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Кейинчалик О.Файзиев жавобгар Қуллиева Манзурага нисбатан судга "кадастр ўлчовларини амалга ошириш ва тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклаш ҳақида"ги даъво ариза билан мурожаат қилди. Ўз навбатида М.Қуллиева ҳам судга "эгаллик ҳуқуқини белгилаш ҳақида"ги қарши даъво аризасини тақдим этди. Шулардан келиб чиққан ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар О.Файзиевнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилди. Яъни Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат корхонаси зиммасига Самарқанд шаҳар, Чорраҳа кўчасидаги 127-уй-жой бўйича жавобгар Қуллиева Манзура номига кадастр ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятини юкланди. Шунингдек, М.Қуллиеванинг қарши даъво аризаси қаноатлантирилиб, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги зиммасига Самарқанд шаҳар, Чорраҳа кўчаси 127-уй (собиқ 121/129) уй-жой қурилиш ости майдони 261,31 кв.метр, майдони 122,88 кв.метр 7 та яшаш хонаси, майдони 11,40 кв.метр ошхона, майдони 1,98 кв.метр ҳожатхона, майдони 4,32 кв.метр ҳаммом, майдони 3,80 кв.метр ечишиш хонаси, майдони 12,07 кв.метр дарвозахона, майдони 16,56 кв.метр ойналанган айвон, майдони 12,49 кв.метр дахлиз, майдони 4,43 кв.метр омборхонадан иборат, жами 670,0 кв.метр умумий фойдаланишдаги ер майдонида жойлашган уй-жойга нисбатан Қуллиева Манзуранинг номига эгаллик ҳуқуқи белгилаш мажбуриятини юкланди.

Табиийки, даъвогар суднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб апелляция тартибиде шикоят келтирди. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 10 апрелдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг мазкур ҳал қилув қарорини ўзгартирмасдан қолдирди. Бугунги кунда айна суд ҳужжатлари қонуний кучида, бекор қилинмаган ёки ўзгартирилмаган.

Шундан сўнг — 2018 йил 16 майда суд қарори асосида Самарқанд шаҳар ҳокимининг 833-Қ сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, юқорида тилга олинган уй-жой Қуллиева Манзура Ташкуловнага тегишли деб топилиб, эгаллик қилиш ҳуқуқи белгиланди. Қолаверса, шаҳар ҳокимининг ушбу қарорига мувофиқ, ҳовли-жой 2018 йил 19 июнда Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати Давлат корхонасида тегишли тартибда рўйхатга қўйилди.

Хуллас, бугунги кунда Самарқанд шаҳар, Чорраҳа кўчаси 127- (собиқ 121/129) уй-жойнинг қонуний эгаси Қуллиева Манзура Ташкуловна ҳисобланади.

**Мурод АХТАМОВ,**  
адвокат



**ТУЗ — БОЙЛИК РАМЗИ**

Англияда 1752 йилда Янги йил расмий байрам мақомини олган. 1843 йилда эса ушбу сана муносабати билан ёру дўстларга табрик хати юбориш анъанаси пайдо бўлган. Шу куни Лондон кўчаларида катта сайил уюштирилиб, Беркли майдонида келган ҳар бир киши карнавал иштирокчисига айланиши мумкин.

Инглизлар Янги йилдаги биринчи меҳмон хонадон аъзоларига, албатта, омад келтиришига ишонишади. Шу боис, кўпинча меҳмон сифатида ёш, келишган ва соғлом йигитни кутишади. Малла, сарик сочли эркаклар, аёллар иложи борича уйга қўйилмайди. Мамлакатнинг баъзи жойларида сочининг рангига эътибор қилинмайди. Одамлар меҳмондорчиликка нон, пирог, туз, бир бўлак кўмир олиб боришади. Чунки, нон билан пирог мўл-кўллик, кўмир иссиқлик, туз эса бойлик рамзи ҳисобланади.

Лондондаги машҳур "Big Ben" соати 12:00 га бонг урганда мушакбозлик бошланади. Ҳамма байрам мадҳиясини куйлайди. Қадимий таомилга кўра, шу онларда эски йилни кузатиш, Янги йилни кутиб олиш учун уй эшикларини очиб қўйилади.



**ҚАРЗ ЭСКИ ЙИЛДА ҚОЛИШИ КЕРАК**

Италияда Янги йил Capodanno деб номланади. Асосий тантаналар 6 январь куни Римдаги Пьяцца дель Пополо майдонида бўлиб ўтади. Ҳақиқий италияликлар Янги йилгача қарзларидан қутулишлари, синик идиш, эски кийим ва белларни деразадан кўчага улоқтиришлари керак. Вақт ўтган сари аҳолининг катта қисми бу одатдан воз кечаётган бўлса-да, байрам арафасида Рим кўчаларида сайр қилиш барибир хавфли. Шунга ўхшаш одат Непалда ҳам бор, ушбу мамлакатда ой тўлишган тунда катта гулхан ёқилади ва унга керакисиз буюмлар ташланади.

Одатда, италияликлар Янги йил арафасида қизил рангли кийим ва жиҳозларни харид қилишади. Шу боис, дўконларнинг пештахталари қирмизи рангдаги буюмлар билан тўлдирилади. Байрам дастурхонида, албатта, ёнғоқ, узум ва ясиқ донидан тайёрланган таом бўлиши шарт. Чунки, Италияда ёнғоқ — узок умр, узум — тинчлик-хотиржамлик, ясиқ дони — соғлик рамзи саналади.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларида Янги йил кириб келишидан олдин бой-бадавлат бўлиш ниётида 12 дон

Янги йилни бутун дунё халқлари ўзгача шукҳ билан қаршилайди. Янги йил байрами ҳар бир мамлакатда турлича нишонланади. Байрам асрлар давомида яшаб келаётган ўзига хос урф-одат ва удумларга бойдир.

Масалан, шу куни Колумбия кўчаларида эски йилнинг рамзи сифатида узун ёғоч оёқли кўғирчоқ-одамларни учратиш мумкин. Шотландлар "Хонадон ўчоғидаги олов ҳеч қачон ўчмасин, дастурхони эса тўкин бўлсин" деган ниётида мезбонниқига кўмир бўлагини олиб боришади.



**ЯНГИ ЙИЛ ҚАЕРДА ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИНАДИ?**

узум истеъмол қилинади. Қизиги, салбий оқибатлардан қутулиш учун идиш-товоклар синдирилади. Фарзанд кўриш орзусидаги эр-хотинлар биргаликда анор ейишади, турмушлари фаровон бўлишини хоҳлаганлар эса, 1 январь куни чўнтақларини тўлдириб кўчага чиқишади.

Италияда Қорбобони "Баббо Натале" деб аташади. У америкаликларнинг Санта Клаусига жудаям ўхшайди. Лекин байрам совғаларини болаларга у эмас, балки олижаноб Фея Бефана улашади. Афсоналарга кўра, у ярим тунда учиб келиб, йил бўйи ўзининг яхши хулқи ва одоби билан бошқаларга ўрнатилган турли ширинликлар, тўполоңчиларга эса, кўмир бўлагини қолдириб кетади.

Янги йилнинг эртасига кўчада кекса ёки букри одамни учратиш, бундан ташқари, эрта тонгда, яъни қуёш чиққунга қадар уйга булоқдан сув олиб келиш хайрлидир.

**БИР ЖУФТ МАНДАРИН — ОЛТИН ДЕГАНИ!**

Хитойда Янги йил икки марта — 1 январь куни ҳамда янги ой чиққан пайтда нишонланади. Бу мамлакатда Янги йил Чунцзе, яъни "Баҳор байрами" деб номланади. У кўп асрлик тарихга эга. Хитойлар қадимдан янги ой чиққан кундан бошлаб, 15 кун давомиде байрам қилишган. Одатда, бу январь-февраль ойларига тўғри келган.

Хитойликлар байрамга алоҳида тай-ёргарлик кўришади, уйлари чиннидек тозалаб, останадаги эшикка қордек оппоқ қоғозларни ёпиштиришади. Уларнинг назарида шу орқали қора кўчлар қувилди. Байрам куни оила аъзолари ёрқин қизил рангдаги кийимларни кийишади. Қизил ранг эса, ёвуз руҳларини ҳайдайди, деб тушунишади. Хитойликлар ҳам худди италияликлар каби қарздан қутулишга ҳаракат қилишади.



Байрамона кечки овқатдан сўнг, одатда, болаларга қизил конвертда "бахт пули" тарқатилади. Хитойликларнинг фикрича, бу йил давомида омад келтираркан. Одамлар орасида юз йил умр кўришга ишора сифатида 100 та чақани совға тарикасида тарқатиш одати ҳам бор.

Хитойларда яна бир қизиқ анъана бор — байрамни кутиб олишга келган меҳмон хонадон соҳибларига 2 дон мандарин совға қилади. Ўз навбатида, у қайтаётганда уй эгаларидан 2 та бошқа мандарин олади. Бу одат тахминан милотдан 1000 йил аввал пайдо бўлган. Хитойда бир жуфт мандарин "олтин" маъносини англатади.

Совғани жуфт бериш одати азалдан сақланиб келаётган бўлиб, оилавий жуфтлик маъносини англатади. Меҳмон совғани мезбонга кетишдан олдин топширади ёки унинг бир чеккасига яшириб қўяди. Кекса одамларга соат, ўйинчоқ, болалар кийимлари совға қилинмайди.

Хитойда оила аъзоларидан бири байрамда қатнаша олмаса ҳам, унга дастурхон атрофида жой қолдирилади. Янги йил кириб келаётган пайтда пичоқ ишлатилмайди. Чунки у ёғибдан келидиган бахт ёки омадни совҳидан кесиб қўйиши мумкин экан.

Шимолда дастурхонга чучвара, жанубда эса, уградан тайёрланган таом тортилади. Ҳар иккала таом ҳам узок умр белгиси ҳисобланади. Шу куни ҳеч ким ухламайди. Чунки уйкудаги одам келган бахтни қўлдан чиқариб юбораркан.



**АРЧА ЎРНИГА ШАФТОЛИ ЁКИ ЎРИК БЕЗАТИЛАДИ**

Вьетнамда Янги йил ой календари бўйича 20 январь билан 20 февраль оралиғида нишонланади. Байрам "Тет" деб номланади. Мамлакат шимолидаги хонадонларда байрам арафасида гуллаётган шафтоли шохчаси ўрнатилади ёки кичкина мандарин дарахти ясатилади.

Кўчалар эса, гуллаётган новда ва гулдасталар билан безатилади. Жанубдаги уйлarda эса, беш донга ўрик гули бор бўлган шохчалар "арча" вазифасини ўтайди. Вьетнамликлар уй меҳробига тарвуз қўйишади. Унинг қип-қизил ширин бўлаклари омад келтирар экан!

Тет оилавий байрам бўлиб, фарзанду набиралар бобоси, бувисини, ота-онасини табриклашади. Катталар ҳам оиланинг кичик аъзоларини қўтлаб, уларга қизил халтачаларда пул совға қилишади. Шу куни аёллар қизил ва сарик, эркаклар эса қора рангли кийимлар кийишади. Вьетнамликларда зогорабалик сотиб олиб, Янги йилдан қутаётган ниятларини айтган ҳолда арчи ёки ҳовузларга қўйиб юбориш анъанаси ҳам бор. Мамлакат аҳолиси анъана ва одатларини минг йиллардан бери сақлаб келаётгани учун ҳам Вьетнамда Тет байрами арафасида сайёҳлар оқими кўпаяди.

**ЭЪЛОН**

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 23 ноябрдаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги "Зиёда Нур 84" адвокатлик бюроси адвокати Дадажонов Бехзод Баҳодировичга 2018 йил 19 декабрда берилган AN 000069 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми ўз аризасига кўра тугатилди.

"Мадад" — муассаса шаклидаги нодавлат ноитижор ташкилоти жамоаси муассасасининг Чуст тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Рашидхон Каримовга отаси **Обитжон КАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Инсон ва ҚОНУН**

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАСИЯЛИГИ

"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

1238 0308-7847  
9720187840084

**Бош муҳаррир**

**Кўчор НОРҚОБИЛ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабинов Шерзод Миржалилович  
Тожинов Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбех Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.

**Навбатчи**  
Маруса Ҳосилова

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4000  
Буюртма — V-4967

Топшириш вақти — 19:00  
Топшириқди — 20:30

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Ҳовлимиз Куйтан тоғининг арчазор ёнбағрида бўлиб, тевараги пастак девор билан ўралганди. Лекин, айовондан туриб қарасангиз, деворлар кўринмайди: дараклар шунақа қалин. Бу дараклар орасида бир туп арча ҳам бор эди.

Мен шу ҳовлида тўрт фаслни кузатиб, тўрт фаслни қаршилладим. Лекин, булар орасида энг яхши кўрганам — қиш фасли эди. Гап шундаки, мен қиш маҳалида, қиш бўлганда ҳам қирчиллама кунда, биринчи январга ўтар кечаси, Қорбобо келишидан сал олдин туғилган эканман. Шунинг учун мендан бирон киши, дунёга келиб, кўзингни очиб, илк бор кўрган нарсанг нима, деб сўраса, онамдан кейин қишни, қорни, Қорбобони кўрганман, дейман. Хуллас, бу тўртталасини ҳам яхши кўрардим.

Бирок, кўп ўтмай буларнинг биттасига шубҳа туғилди-ю, ҳаммасига бўлган муҳаббатим шубҳа остида қолди.

Ҳовлимиз этагидаги дўнглик устида жойлашган мактабда Янги йил байрами бўлди. Қорбобо келади, деган гапни эшитиб, ўша ёққа қараб учдим.

Мактаб зали, ўртада арча...

Атрофда ўқувчилар. Ҳаммасининг озги қулоғида. Байрам!

Ниҳоят, Қорбобо келди! Оппок кийинган, соқоллари ҳам оқ. Қўлида савагча. Унда турли-туман, қизиқ-қизиқ ўйинчоқлар... "Байрамларинг муборак!" деди Қорбобо. У узок юртлардан, нотаниш болалардан салом айтди, кейин бизга совғалар улашди, кейин кетди... Кетди!


— Қаерга кетдилар? Қаерга? — деб сўрадим. Кимдир:

— Урмонга, — деди.

— Урмонга!

— Нимага ўрмонга кетдилар?

— Қорбобо ўрмонда яшайди.



## Қорбобо келади



Шукур  
ХОЛМИРЗАЕВ

Мактабдан чиқиб, топталиб, сарғайиб қолган қорли сўқмоқдан ҳовлимизга борарканман, ўрмонга қарардим.

— Қорбобо ўрмонга кетди! — дедим онамга. Онам кулим-сирани.

— Қачон келадилар?

— Янаги Янги йилда.

Мен кута бошладим. Баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам кутдим. Яна қор тушди. Яна Янги йил келди. Мактабга югурдим. Ўша зал. Ўқувчилар. Арча... Яна Қорбобо келди! Бизни табриклади, саломлар айтди, совғалар берди, яна... кетди!

Ташқарига чиқиб, ўша қорли сўқмоқдан атрофга аланглаб, уйга бораётганим, ўқувчиларнинг гапини эшитиб қолдим:

— Мана, Қорбобо. Шу одам — Қорбобо.

— Қани? — сўрадим мен аланг-жаланг бўлиб.

— Анови кетаётган муаллим-да.

— Ёлгон! Қорбобо ўрмонга кетди.

Болалар мендан кулишди,

мени мазак қилишди.

— Нега Қорбобонинг ўзи келмади?

— Келибди-ку мактабга.

— Йўқ. У одам муаллим экан.

Болалар шунақа деди.

— Шунақа бўлади-да расми,

— деди онам.

— Нега? — алам билан қичқирдим мен.

— Ахир у киши Қорбобо эмас-ку. У киши муаллим-ку!

Қорбобо ўрмонда-ку!

Онам менга қараб турди-да:

— Рост, Қорбобо ўрмонда. Бу киши муаллим, деди.

— Нега келмадилар ўзлари?

— У киши бошқа мактабларга кетган. Қувонганимни кўрсангиз! Ҳовлига чикдим. Девордан оша ўрмонга рўпара бўлдим. Совуқда дийдираб "Қорбобо, нимага келмадингиз?" дедим. Назаримда, у киши жавоб бергандай бўлди: "Келгуси йил келаман!" Лекин, келгуси йили ҳам келмадилар. Ундан кейинги йилларда ҳам. Бу орада ўзим ҳам ўқувчи бўлдим ва тушундим: Қорбобо деган киши ўрмонда бўлмас экан, ўшанда мени алдашган экан, ўзим-ўзимни алдаб юрган эканман. Лекин бари бир ишонмасдим: Қорбобо бор, у ўрмонда яшайди, янги йилда келади, совғалар олиб келади, табриклайди, деб ўйлар эдим. Шунга ўйласам, ўрмон ҳам, янги йил ҳам, туғилган куним ҳам, қиш ҳам, ҳаммаси сирли бўлиб кўринарди, ёш боладай қувонар эдим. Қорбобо йўқ, десам-чи? Сир тойиб бўлар, ўрмон-ўрмондек, қиш-қишдек, янги йил — шунчаки бир байрамдек, туғилган куним эса, туғилишим керак бўлган бир кундек туюлар юрагим бўшаб қоларди. Сўнг яна зўр бериб шивирлардим ўзимга: "Қорбобо бор... у ўрмонда..."

Мана, ўсмирликдан ҳам ўтиб қолдим. Қишлоғимдан, мактабимдан, ҳовлимиз, ўрмонимиздан йироқдаман. Энди кўп нарсга аклим ҳам етади. Киши ўзини-ўзи алдаши яхши иш эмаслигини ҳам биламан. Лекин нима қилай? Ҳамон ўша иккиланиш бор менда. Ҳатто, энди кўпроқ ишониб қолганман: "Қорбобо бор, у ўрмонда, у совға олиб келади, у салом олиб келади, у бизни табриклайди..."

Билмадим, бу хаёл чол бўлиб букчайиб қолганимда ҳам ўзгармаса керак.

1967

### Воқеа 1950 йилларда кечади.

Дераза ёнида, темир краватга ётарканман. Деразадан ураётган совуқдан аъзои баданим, қалин кўрпа ёпинганимга қарамай зир-зир титрарди. Ташқарида аввалига жалага ўхшаш қалин ёмғир ёғди. Орқасидан паға-паға қор ёға бошлади. Бу қишнинг изгири кунларининг бошланиши эди. Шу оқшом ухлолмай чиқдим. Эрта тонг отамга мактабга боролмаслигимни айтдим. Отам қаршилик қилмади-ю, лекин қўшни қишлоқдан келадиган дўстимни куттирмай тўри мактабга ўтиб кетишини айтишим кераклигини тушунтирди. Отам ўша биз ўқийдиган мактабда оддий ўқитувчи. Шу сабабли биздан олдинроқ мактабга кетди. Доимгидек дўстим мени мактабга бирга кетиш учун чақирди. Оқшом бошланган қор эрталабча ёғиб, бир қарич қалинликда, ерни бутунлай қоплаган. Ҳамма ёқ оппок. Дам тиниб дам ёғиб турарди. Ўртоғимга болаларча ҳазил билан "Эй, жангчи, мен бугун

мактабга боролмайман" — деб, энди ёнига келгандим, унга қараб юрагим ачишиб кетди. Шу совуқда яланг оёқ мактабга келаётган эди. Шунда ўйладим. Нега шунча чақирим йўлдан яланг оёқда ўртоғим мактабга боради-ю, мен шамолладим, деб уйда ётишим керак? Ўртоғимга кутиб туришини айтиб, уйга кириб попкамни олиб, мактабга отландим. Отам мени мактабга кўриб, бу ишимдан мамнун нигоҳда кулиб қўйди. Мактабдан қайтаётиб, ўртоғим оёғининг кўкариб кетганидан уйга шошарди. Оқшом пайти шам ёруғида дарсимни тайёрлаб, отамга дўстим ҳақида айтдим. — Ўғлим, агар номинг ўчгур уруш бўлмаганида, ўртоғинг Собир отасиз қолиб, шу аҳволга тушмасди, — деб кўнгли озгина бузилиб, ўйлаиб қолди. Мактабимизда эндигина пахта можароси босилгандай. Декабрь ойининг иккинчи чораги бошланишига қарамай, колхозимизда катталар ҳали далада пахта теришмоқда. Уруш асорати туфайли, очар-

чилик ҳукм сураётган бир вақтда, ота-онам ҳам далага чиқиб, ҳам мактабда; отам муаллим, онам фаррош бўлиб ишларди. Онам ҳар кунни келгунича вақт алламаҳал бўлиб кетарди. Шунинг учун мен мактабдан эртароқ келиб, овқат қилиб турардим. Сандал учун чўғ қалардим. Бир кунни ниямаям бўлиб овқатим пишмай қолди. Дастурхон атрофида акам, синглим ва ота-онам мени роса қойишди. Ўша йили колхозда пахта плани кечикиб, жумҳурият бошлиқлари ҳамманинги уйини пахта заводига айлантириб юборган эди.

— Янги йилга ҳам оз вақт қолибди. Онаси, Қобулжоннинг олдинги йилги батинкаси турибди-ми? — отам, онамга кечки овқат пайти юзланиб деди.

— Ҳа. Дадаси ювиб тараб, олиб қўйганман.

— Яша. Хотин! Ўша батинкани олиб чиқ-чи. Қўшнинг боласи мактабга яланг оёқ келяпти. Кўрган сари, кўнглим бузилади. Қолаверса, ўғлинг Собирни яқин дўсти. Шу болага ҳадея қиламиз.

— Дадаси, ўғлингиз

ўзи кияр. — қошини чимириб онам.

— У кияман дегунча, ҳа янгисини олиб берарман, хотин...

Онам индамай батинкани отам қўлига тутқазди. Отам мени ёнига чақириб: — Собир. Мана бунга ўртоғинга ўзинг берасан. Панароқда, ҳеч кимга кўрсатмай бергин, болам. Кўнглимга аллақандай ҳиссиёт ўрнашиб олди. Ўша кунни мактабимизда, янги йил байрами нишонланиши керак эди. Ҳар йилгидек отам янги йил Қорбобоси бўлади. Эртаси кунни отам айтгандай, синфимизда ўртоғимга ҳалиги батинкани топширдим. Аввалига ўртоғим, батинкани қўлига олиб, хўнг-хўнг йиғлади. Сўнг кийиб, — ярашдимми?, — деб ҳаммага мақтанди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Шу кунги янги йил ҳаётимдаги энг унутилмас янги йил бўлди. Арча атрофида роса ўйин-кулгу авж олди. Ўша кундан эътиборан мен ҳақиқий Қорбобого ишондим. У ҳам бўлса менинги болаларга бахт улашувчи, дадам эди.

Шерзод МЕЪРОЖ

Қ  
О  
Р  
Б  
О  
Б  
О

